# Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 3 aprel, shanba

5 (286) son


# ХАЛҚ ЕНГИЛМАЙДИ

## ТЕРРОРИЗМГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Халқимиз ўз миллий мустақиллигига қувониб, мана ўн тўрт йилдан буёнига тинч меҳнат — ҳақиқий маънода ўз-ўзини тиклаш, ўнглаш, озод ҳаётини фаровонлик изига солиш билан банд. У тез орада тарих ва тараққиётнинг жуда катта умидбахш йўлига чиқиб олиши ва ҳеч нарсага қарамай ундан дадил одимлаши тиниқ ойнадай аён бўлиб қолди. Не ажабки, унинг шу тинч ва ҳаддан зиёд олижаноб тикланиш меҳнатини кўролмайдиганлар ҳам етишиб чиқяпти. Улуғ карвон бораяптию ўзини билмаган итлар ҳуряпти, карвонни тўхтатаман деб, йўлдан қолдираман деб, хуруж қиляпти.

Лекин инсоният карвони қачон йўлдан қолган, қачон итларга қараб қўрқиб-пусиб ўтирган ва ҳеч қачон бундай бўлмагай!

Цивилизация ва тараққийпарвар инсониятга ўз ҳолича уруш эълон қилган, ўзларига ўртаасрчилик ёвузликларини касб этиб олган мудҳиш ниятли кучлар яна ва яна муқаддас Ўзбекистон заминида қон тўкдилар, бебошлик, бошбошдоқлик келтириб чиқаришга уринмоқдалар. Сарзаминдаги ишларидан кўриниб турибди: уларга ҳеч нарса кифоя эмас: яна ва яна сонсиз-саноқсиз марта қон тўкиш, бузғунчиликлар қилиш, вайронагарчиликларга қўл уришни мўлжаллаб турадилар.

Соғлом ақл-идрокка сира тўғри келмайдиган ва ҳатто ўзлари ҳам нима исташларини тузук-қуруқ тушунтириб беролмайдиган аллақандай ва алланечук «халифачилик ҳукмронлиги» ҳамда «халифачилик» турмуш тарзи даъвосида ер юзини ағдар-тўнтар қилишдек машъум, хуфёна режалар тузадилар ва уларни ўта бадрафтор қонли усуллар билан амалга оширадилар.

Тинчлик, тотувлик, муроса, яхши ҳаёт йўлида яқин ҳамкорликка бел боғлаган инсониятни ва айниқса Ўзбекистон каби яқинда тараққиёт ва миллий тикланиш йўлига кирган, ўз одил, мустақил сиёсатини қатъият, дадиллик билан изчил олиб бораётган мамлакатларни саросимага солиш, халқлар ўртасида ваҳима, қўрқинч, келажакка ишончсизлик қўзғатишга, одамларнинг қўлини ишдан совутиш, яшашдан бездириш, жондан тўйдиришга зўр бериб уринадилар. Булар беш-ўнта безори ёхуд нон тополмай қолиб ҳаётдан безган бадфеъл, бадрафтор, бадкорларнинг иши эмас, асло! Юрт нима, туз нима, орият-оқибат, инсонгарчилик нима — билмаган, маҳалласида зўравонлик қиладиган бир тўда унсурлар ҳам эмас балки!

Булар бизнинг кунларимизда «халқаро терроризм» деб ном олган, XX асрда — инсоният озодлик ва демократия самараларидан баҳраманд бўлаётган замонда шу улуғ озодлик ва демократиянинг кушандаси бўлиб чиқаётган янги офатнинг ижрочилари! Уларни ким нима деб атамасин — «камикадзе», «мужоҳид», «фидойи» ёки «ғозий» — барининг моҳияти битта — уларнинг бари тириклик ва тараққиёт кушандаси!

Қаерда, қачон, қайси мамлакатда «халифачилик» рўшнолик ва равнақ, тинчлик ва омонлик келтирди? Одамларни ҳотиржам, бағри бут, бахтиёр қилди? Икки-уч минг йиллик тарих саҳифаларида бунга биронта бўлсин ишонгулик мисол борми?

Қаерда, қачон, қайси мамлакатда зулм, зўравонлик, бегуноҳ қонлар тўкиш, қонуний ҳукуматларни ағдариб ташлаш, ўрта асрчиликнинг инсоният аллақачон рад этган чириган анъаналарини ўрнатиш, тирилтиришга уриниш кимга, қайси тўдага бахт-саодат келтирди! Бирон бир мисол борми бунга?

Алжираган, абдираган, бошдан оёқ параноя билан лиқ тўлган ғояларни тиқиштириб, инсониятни тараққиёт йўлидан чалғитиш, турли-туман ажал қуролларию ёш-ёш йигит-қизларни марқуқ ва манқуртга, кўкнорихаёлга айлантирадиган ўта машъум воситаларни ишга солиб, гўё ер юзида «қиёмат-қойим»ни яқинлаштириш, инсоният маданиятини остин-устун қилиб ташлашдан бошқа муроди бўлмаганлар кўз ўнгимизда ҳатто Худони ҳам алдаш, чалғитиш, уни фақат гўё ўзиники қилиб олиш учун уринмоқдалар. Улар ўз машъум жинояткорона ишларига Худони ҳам шерик қилишликни истайдилар. Бўлмагай! Худо Ягона ва барчага баробар!

У завол, зулм, риё, зўравонликдан мутлақ покдир!

Завол фақат террорчиларнинг ўзларидадир. Ва узоқ бормай ўз қилмишларида заволга ботурлар. Бефойда зиёнбудликнинг охири қачон, қаерда бўлмасин вой!

Шулар билан бирга — келинг — ўзимизга, ўз юртимиз ва ундан ҳам ортиқроқ — ер юзининг фуқароси каби доим ҳисоб бериб турайлик. Нима учун кейинги ўн-ўн беш йил ичида терроризм балоси бунчалар кенг ёйилиб, офат тусига кирмоқда, ҳатто халқаро миқёсга чиқмоқда, тотал зўравонлик вазиятини вужудга келтириш ва инсониятни унга кўниктиришга, гўё бу муқаррар шундай бўлиши кераклигига ишонтиришга уринмоқда?

Ким қаерда, қандай тарзда уларга турли қурол-яроғлар, ажал аслаҳаларини етказиб бермоқда? Ким, қандай уларни бунчалар зўр ва туганмас маблағлар билан мунтазам таъминламоқда? Боқмоқда? Ўқитмоқда? Ер юзига вабо каби ёйилишига шарт-шароит яратмоқда? Ахир бу халқаро ва миллий демократик қонунларни босиб-янчиб ўтаётганлар, шундай қилишга одатланганларнинг иши эмасмикин?

Террорчи терроризм ўнгиридан чиққандан кейин қаердадир яшайди, қаердадир йўл юради, қаердадир тайёргарлик кўради. Шунчалар катта тайёргарликларни талаб қиладиган мудҳиш ишлар фақат даҳшатли портлашлар, хунрезлик, одамкушликлардан сўнггина очилиши керакми? Улар ҳар биримизнинг бепарволигимиз, хафсаласизлигимиз, лоқайдлигимиз, ва айниқса, қонунлар олдида фуқаро сифатида ҳар томонлама масъулиятимизни тўла доирада англамаслигимизни маълум маънода ўзларига қурол ва ёрдамчи қилиб оладилар. Улар бизнинг фуқаро сифатида бепарволигимиздан, лақмалигимиз, соддалигимиздан, эътиборсизлигимиздан ҳар томонлама ғаламисларча фойдаланадилар. Чунончи, кейинги аниқланган фактларга қараганда Испанияда поезд портлатилиб юзларча бегуноҳ одам қурбон бўлиб кетмас эди, агарда аввалроқ бунинг шабадаларини сезган полициячилар сезгир, ҳушёр, фаросатли ва огоҳ бўлганларида!

Конституциямизнинг 15-моддасида олтин сўзлар муҳрлаб қўйилган: «Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар». Қонунларга мувофиқ иш кўриш уларнинг олдида тўла жавобгарликни англаш, ҳис қилиш мажбурияти демакдир. Қайси бир қонун олдида жавобгар субъект ёки уларнинг жами қонунларга мувофиқ иш кўришда андак бўшанглик, бўштоблик, лоқайдлик ёки менсимасликка йўл қўядиган бўлса, бу нарса дарҳол ишларнинг бориши, ҳал қилиниши, сифати-савиясига акс таъсир кўрсатади. Умуммиқёсда олганда, терроризм ҳамда унинг раҳнамо ва ижрочилари худди мана шундан устомонлик, маккорлик билан фойдаланадилар. Шундан фойдаланиб, ўзларига яширин уялар қурадилар, одам ёллайдилар, молияга эга бўладилар. Халқаро миқёсда рўй бераётган воқеалар мана шуларни исботламоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг келажак уфқларига олиб бориш тартиб-қоидалари, меъёрларини белгилайдиган ўнлаб, юзлаб қонунлар бунёд бўлмоқда. «Халифачилик» тарафдорлари худди мана шу нарсани — жамият, ҳаёт демократик қонунлар изига тушаётганлигини кўролмайдилар. Чунки улар биладилар: қонунга мувофиқ иш кўриш у чинакам фуқароликнинггина эмас, балки чинакам зиёлиликнинг ҳам белгиси!

Биз инсон омили деймиз ва нечоғлик ҳақ мавжуд бу сўзларда! Бу сўзларни биз «Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурига, унда ифодаланган ғояларнинг мағзи-мағзига сингдирганмиз.

Аслида инсон омили бу — қонунларга мувофиқ иш юритиш омилидир. Зотан шусиз инсон омили ҳақидаги гап пуч ва мазмундан холи — ҳавол бўлиб қолиши мумкин.

Инсон омили бу яна шунга чамбарчас боғлиқ тарзда жамиятга, ватанга, ўз тақдирига огоҳлик омили ҳамдир. Келинг, баралла айтайлик, инсон омили кучайган, огоҳлик зиёли, оқил қудратга айланган, қонунга мувофиқ иш кўриш ҳаётнинг кундалик тарзига айланган ерда — терроризм ҳеч қачон уя қуролмайди, томир, илдиз отолмайди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халққа даъват қилиб қайта-қайта огоҳликка чақиришида ҳар бир фуқаро учун жуда катта инсоний маъно бор.

Огоҳлик зиё ва маърифати яшаркан, ҳеч қандай терроризм ёки унинг турли-туман мараз намойишлари халқ қалбига томир отолмагай ва уни ҳеч бир вақт издан чиқара олмагай!

**Иброҳим ҒАФУРОВ**

# ОЗОДЛИК ҲАМ, ТИНЧЛИК ҲАМ АЗИЗ

— Нимани қадрлайсиз?

Яхши-ёмонни кўрган, оқ-қорани таниган одамга шу саволни берсангиз, албатта:

— Тинчлик-омонлик, озодлик, — дея жавоб беради.

Бу — бир кишининг шахсий фикри эмас. Замонлар синовидан ўтган ҳақиқат. Чунки вайронада ҳеч қачон гул унмайди. Қон устига фақат қузғунлар қўнади. Нафрат фақат қаҳр, ёвузликка доя бўлади.

Тинчлик, осойишталик, омонликда эса одам боласи ўз қадри, ўзгалар қадрини ҳис этади. Кўнглида яратиш, бунёдкорликка рағбат уйғонади. Фаровонлик ҳам, орзу-ҳаваслар рўёби ҳам, шахс ва жамиятнинг юксалиши, тараққиёти ҳам тинчлик билан боғлиқ. Ободлик тинчлик заминига келади.

Биз — дунёдаги энг заҳматкаш халқлар каби ёмғирли кунлардан сўнг ҳаволар очилиб кетганига суюниб турган чоғимизда, қиш бўйи ҳосилга ҳозирланган тупроғимизга чигит қадаб, белни меҳнатга боғлаган умидли пайтларимизда нохушликлар бўлиб қолди.

Албатта, инсон ўлими — фожиа. Ҳамма ҳам дунёга яшайман, бахтли бўламан, деб келади. Шу маънода бегуноҳ кишилар заволи қайғули.

Аммо бу — ҳаёт. Инсоният бошига ҳар хил кунлар тушиши мумкин. Шунинг учун биз аёлларимиз, оналаримизни бу синов дақиқаларида оқила, мулоҳазали бўлишга чорлаймиз. Бу замин, ота мерос юрт — бизники. Биз Ватан олдида ҳам, кўз қорачиғимизда асраётган фарзандларимиз тақдири учун ҳам жавобгармиз. Шунинг учун фарзандларимиз, оиламизга жоҳиллик нима, ёвузлик нима, унинг нохуш оқибатлари нима — ҳаммасини тўғри тушунтиришимиз керак. Саросимага тушмаслик, ваҳимага берилмаслик, ҳар хил "миш-миш"лар олдида довдирамаслик — бизнинг ҳам фуқаролик, ҳам оналик бурчимиз.

Ўз меҳнат жабҳамизда ҳар қачонгидан ҳам кучли, жипс туриб, дилимизда Ватанимиз, озодлигимизга эътиқодни мустаҳкам тутиб яшаш, меҳнат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиздир. Биз барча опа-сингилларимизни шу яхшиликка даъват этамиз.

Зеро, миллат, халқнинг кимлиги бошига иш тушганда билинади. Биз кўп жоҳилликларни ақл билан енган халқмиз. Ақл, ирода, маърифат зиёси миллатни тиклайдиган, унинг шаън-шавкатини юксалтирадиган, қудратли этадиган буюк омиллардир.

Юртимизда тинчлик-эминлик, хотиржамлик бардавом бўлишини истаймиз.

**Ойдин ҲОЖИЕВА, ОЛМОС, Кутлибека РАҲИМБОЕВА, Хосият БОБОМУРОДОВА, Дилбар ҲАЙДАРОВА**

## УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Шу кунларда Олий Мажлиснинг депутатлари ўз сайловчилари билан учрашиб, дунё миқёсида ва қолаверса, Ўзбекистонда бўлаётган глобал воқеаларнинг мазмун-моҳияти, парламентнинг бўлажак сессияси кун тартибига киритилган масалалар, иқтисодий ислоҳотлар руҳида тайёрланаётган қонун лойиҳалари, халқаро терроризмга қарши курашнинг долзарб вазифалари ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Куни кеча Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси, Олий Мажлисдаги «Миллий тикланиш» фракциясининг аъзоси Ўткир Ҳошимов ҳамда Олий Мажлис Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси, «Миллий тикланиш» фракциясининг аъзоси, Тошкент вилояти ЎЗМТДП кенгашининг раиси Шарифа Салимова Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри, Янгийўл, Паркент туманида бўлиб, туманларнинг чекка қишлоқларида, қишлоқ фуқаролар йиғинларида, маҳаллаларда одамлар билан учрашдилар. Шунингдек, корхоналар, коллежлар, мактабларда бўлдилар. Турли соҳаларнинг вакиллари, кексалар, ёшлар, қишлоқларнинг аҳллари терроризм хуружларини, ваҳшиёна хунрезликларни бир оғиздан қораладилар.

**«МТ» Ахборот хизмати**

# ТОКИОДА АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ



Японияниинг Сока Университетида Алишер Навоий ҳайкалининг очилиши маросимидан.

«ЖАҲОН» ахборот агентлиги

# ТУЯНИНГ ЮКИ ЕНГИЛ БЎЛСА...

Шу йил 26 март куни Япониядаги энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири Сока Университетида буюк мутафаккир ва давлат арбоби, халқимизнинг атоқли шоири Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбек халқининг кўҳна тарихи, бой ва бетакрор маданий меросини хорижий мамлакатларда тарғиб этиш, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ижтимоий ҳамда маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилган ушбу тадбир ўзаро муносабатларимиз тарихида муҳим воқеа бўлди.

Ҳазрати Навоий ҳайкалини университет ҳудудида Европа ва Америка қитъаларида яшаб ижод этган улуғ шахслар, файласуфлар ва шоиру-ёзувчилар қаторидан нафақат миллатимиз, балки бутун Шарқ халқлари вакили сифатида қад кўтаргани қалбларимизни фахр ва ифтихорга тўлдирди.

Буюк гуманист, тинчлик ва дўстлик куйчиси Алишер Навоий Японияга ташриф буюрса қувонмай бўладими. Ҳайкал муаллифи Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиев. Унинг ижоди маҳсули — Навоий ҳайкали ўтган йили Москва шаҳрида ҳам ўрнатилган эди.

Ўшанда Москва шаҳар мэри Юрий Лужков ҳайкал қошида Навоий ғазалини ёддан ўқиб бергани ҳали-ҳануз кўз ўнгимизда.

Улуғларни руҳини шод этиш, меросини ардоқлаш, авлодларга унинг таълимотидан сабоқ бериш, ижодидан хабардор бўлиш ҳам маънавиятдан.

Марғилонда икки юз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Олим-уламолар кўп етишиб чиққани боис, илму-маърифатда ўз ўрнига эга. Жаҳонга машҳур дунёвий ва исломий илм соҳибларини берган — бу гўша.

Шундай давлатманд одамлари борки, улар тўрт — беш марта, ҳатто, ундан кўпроқ ҳажга борганлар. Давлати зиёдалар ота-оналарининг қабри қўним топган мозоратларга ўн-ўн миллионлаб маблағ харжлаб, кошона-мачитлар, баланд айвонлар бунёд этишаётир. Аммо Марғилонда Алишер Навоийнинг хайкали йўқлигини улар билса ҳам, худди билмагандай.

Шаҳар хокими билан учрашиб мутафаккир бобомиз руҳини шод этиб, унинг номи билан аталувчи боғ яратиб, ҳайкал қўйиса айни муддао-ку, дедик. Маблағ йўқ, дейишди. Ишончимиз комилки, ихлос билан ҳаракат қилинса, маблағ ҳам топилади. Навоийдек бобомизга ҳайкал қўйиб, унинг номи билан аталувчи боғ яратиш таклифи билан чиққан ҳокимга халқ раҳмат айтади холос.

Кўпни кўрган бир зиёли мўйсафидга Марғилонда Навоийнинг ҳайкали йўқ экан, десак, э, ҳайкал дейсиз, шаҳар молбозори Ҳазрат Али зурриёдлари абадий қўним топган қабристон ва дунё фиқҳ илмининг асосчиси Бурҳониддин ал-Марғиноний "Ҳидоя" асарини ёзган чиллахонаси ўртасида жойлашган". Устига-устак, яшайдиган хонадонлар мол бозор билан туташ. Санитария-эпидемиология хизмати борми ўзи?

Халқда бир нақл бор: Туянинг юки енгил бўлса,ётағон бўлади.

Биз Марғилонда кўрганимизнинг бир шингилини ёздик холос.

Марғилон қадимий маданият масканларидан бири сифатида тарихий шаҳарларимиз қаторида ўз кўркини намоён эриб турса деймиз.

**Холис НИЯТ**

> *“Маънавиятсиз инсон худди товуққа ўхшайди, қаноти бўлган билан баланд парвоз қила олмайди.“*
>
> **Мухтор ШОХОНОВ**


Саҳифаларни варақласангиз:

2-бетда АНДИЖОНГА ЯРАШГАНДИР «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ



МОСКВА ОСТОНАСИДА

3-бетда ЧАҚМОҚ БИЛАН «ЧЎҚИШГАН» ЧЎПОН

4-бетда ХАСИС ХОТИНСИЗ ҚОЛДИ



# ҲОРДИҚ МАНЗИЛИ

**Абдулла ОРИПОВ:**

*Тингланг, бу абадий*
*садо бўлади,*
*Гадонинг душмани*
*гадо бўлади.*
*Иккиси бир-бирин*
*еб тугатгунча,*
*Ўртада бу дунё адо бўлади.*

**Муҳаммад ЮСУФ:**

*Ёмон кунлар бир куни*
*яхши бўлар-у,*
*Ёмон одам яхши бўлмас*
*ҳеч қачон.*

**«ШОҲНОМА»:**

*Бировга соғинса*
*ҳар ким ёмонлик*
*Ниҳоят ул ўзи*
*топмас омонлик.*

**Абдулла ТУРДИЕВ:**

*Бободеҳқон мушкулин —*
*кушод айла, худойим,*
*Ҳар яхшини ёмонга — устод*
*айла, худойим.*

## ТИЛАМЧИ

Машинада кетаётиб, чорраҳага келганда қизил чироқ ёнди-ю, тўхтаб турдик. Шу вақт бир қўли йўқ ёшгина йигит машина ёнига келиб "хайр" қилинг, деб йиғламсираб турарди. "Бечора", дейман, шундай ёш, норғул йигит, ногирон бўлиб қолибди, деб унга ачинаман, раҳмим келиб ёнимдан юз сўм чиқариб бердим. Эртаси ҳам, ундан кейинги кун ҳам шундай бўлди. Кечқурун уйга қайтиб келганимда ҳам кўз олдимдан ўша келишган йигитнинг қиёфаси кетмасди. Бир қўли йўқ экан, ўқиса бўлмайдими, ё бирор ўзига яраша иш топиб олсачи, ҳали ёш экан, куч-қувватга тўлган пайти, деб ўйлайман.

Шундан сўнг, ўша томонларга йўлим тушмади. Тиламчи йигит бўлса ёдимдан кўтарилгандай.

Иттифоқо бир куни яқин қариндошларимизникига тўйга бордик. Одам кўп, ҳамма қариндош-уруғлар шунда жамул-жам. Бунақа вақтда анчадан бери кўришмаган қадрдонлар бир-бирлари билан ялаб-юлқашиб кетишади. "Ойинг сиҳат-саломатми, нега тўйга олиб кела қолмадинг", "Ўзинг қаерда ишлаяпсан?", "Болаларинг яхшими", хуллас, гап кўп.

Шу вақт қарасам, тўйда бир келишган йигит хизмат қилиб юрибди. Кўзимга жуда ҳам иссиқ кўринди, уни қаердадир кўрганман. Жуда-жуда таниш чеҳралар. Ўйлаб-ўйимга етолмайман. Тўйда турибмиз-у, кўзим ўшанда, уёққа ўтса ҳам қарайман, буёққа ўтса ҳам.

— Қаерда уни кўрган эдим... Хуллас, тўй ниҳоясига етди. Кетдик, уйга борагунча кўз олдимдан кетмади унинг қиёфаси. Чиройли, хуснדор йигит ҳар қандай одамни ҳам ўзига тортади, юзида сакинаси бордай.

Эрталаб Обиджон келди. У менинг машинамни ҳайдайди, ажойиб, садоқатли йигит. Нонуштадан кейин дала боғимга йўл олдик. Бугун бозордан бир неча дона олма кўчати олиб бориб боғга экмоқчиман. Яна ўша чорраҳа олдида тўхтаб қолдик. Қарасам, ўша қўли йўқ йигит ҳалиям тиламчилик қилиб турибди. Чеҳраси менга жуда-жуда ҳам таниш.

Обиджон менга юзланди:

— Вой, мана бу йигит кечаги тўйда хизмат этиб юрган эди-ку. "Тавба-тавба", — деб ёқа ушлади ҳайдовчи.

Миямга бир нарса келдию урилди. Оббо, бу қанақаси бўлди ўзи. Бу шумтака гадой алдамчи, фирибгар экан-ку! Қаранг, бир қўлини костюми ичига беркитиб олибди. Синчковлик билан қарасангиз, билиниб қолади. Обиджонга — балли, эсинг жойида экан, таниб қолдинг. Мен ҳардам-ҳаёлда юрган эдим, ўйлаб-ўйимга ета олмай", дедим.

Шу вақт кўк чироқ ёнди. Машина юриб кетди. Дала боғи томон кетамиз. Кўклам, дов-дарахтлар қийғос гуллаган. Ҳардам хаёлдаман. Ўша кўча юзасидан бир қўлини ичига беркитиб олган тиламчи гадой йигит кўз ўнгимдан сира кетмайди. Уни шунчалик алдоқчилик қилишига нима, ким мажбур этди экан?! Бу мен учун гўё очилмас бир жумбоқ. Хаёлимда эса унинг нигун қиёфаси.

**Мақсуд ҚОРИЕВ**

## ОНАЖОН

*Қатра*

Дадамдан сўрадим.

— Дада, нима учун "жаннат оналар оёғи остидадир" дейишади?

— Бир кўз ўнгингга келтиргина қизим, мактабга сўмкангни кўтариб бориб, кўтариб келгунингча қанча чарчайсан, тўғрими?

— Ҳа, тўғри.

— Оналар эса фарзандини ёруғ дунёга келтиргунича тўққиз ойу тўққиз кун кечаю кундуз қорнида кўтариб юради. Не-не азоблар билан катта қилади. Шунинг учун ҳадису шарифларда онанинг на-қадар улуғлигини таърифлайди. Оналар дуосини олиш эса — бахт. Сени бағрида кўтариб юрган бир куни учун бир умр хизмат қилсанг ҳам кам.

Суҳбатимизни эшитиб турган онажонимга қарасам кўзларида икки томчи севич ёшлари турибди. Маҳкам қучоқлаб, юзларидан ўпиб қўйдим...

**Зарифа ДИЛМУРОДОВА.**
**Алишер Навоий номидаги республика санъат лицейи ўқувчиси.**




## ҚИШЛОҚДАГИЛАР ТУШУНИШИ ҚИЙИН

Аёл киши автомашина минишини ижобий баҳолайман. Биз ривожланаётган мамлакатда яшаяпмиз. Бир нечта чет мамлакатларда бўлганман. Аёлларни рулда кўриш мумкин. Фақат қишлоқдагилар тушунишмайди. Ўзларини қаричи билан ўлчаб, ҳар хил асоссиз гап-сўзлар қилиб юрадими-ей?

**Акбаржон ҲОЖИМАТОВ,**
**Кува туманидаги «Мирзараҳим Ҳожиматов» фермер хўжалиги бошлиғи.**

### КАМ ЖОЙИ ЙЎҚ

Аёлларнинг машина ҳайдаши қайсидир маънода ривожланиш маҳсулидир. Улар бу борада ҳам бошқа давлатлар аёлларидан кам жойи йўқлигини кўрсатиб бераётир. Ўзбек аёллари нафақат зардўзлик, тикувчилик, балки ҳайдовчиликда ҳам ўзларини кўрсатишаётир.

**Жамшид НАЗАРОВ,**
**"Орият доно" радиоси спорт шарҳловчиси.**

### ҒАРБГА ТАҚЛИД ЭМАСМИ?

Аёлларнинг машина хайдашини Ғарбга тақлид, деб ҳисоблайман. Чунки Ғарбда кўп аёллар рулда ўтиришади. Лекин Шарқ аёлларига машина хайдаш ярашмайди. Ўзбек аёллари иффат учун яралган, деб ўйлайман.

**Нозима ҚОСИМОВА,**
**Тошкент шаҳри,**
**талаба.**

### ҚИЗИМНИ ҲАМ ҲАЙДОВЧИЛИККА ЎҚИТАМАН

Менинг рафиқам — тўрт нафар балоғатга етмаган фарзандимнинг онаси. Шифокор. Турмуш ўртоғим ўқиб ҳайдовчилик гувоҳномасини олганига беш йил бўлди. Бемалол рулда юра олади, ҳатто автомобилдаги айрим носозликларни ҳам тузатади. Болаларимизни болалар боғчасига, мактабга олиб боради ва уларни қайтариб олиб келади. Хизмат вазифам масъулиятли. Ишдан кечроқ қайтаман. Айниқса, шундай кунлари рафиқамнинг автомашинани ҳайдай олиши жонга оро. У автомашинани жуда покиза ва саришта тутади.

Насиб этса, қизим катта бўлганда, албатта, ҳайдовчиликка ўқитаман. Бу ҳам бир касб.

**Давронбек РУСТАМБЕКОВ,**
**Андижон шаҳри, Саттор Обидов кўчаси, 9-уй.**

### ТЕМИР ХОТИНЛАР

Айрим аёлларга эрдан кўра машина афзалроқ бўлиб қолди, шекилли. «Темир хотин»лар темирни эгаллашяпти. Бугун машина бошқараётган аёл эртага эрини ҳам бошқаради. Истардимки, аёл уйни бошқарса...

**Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,**
**Фарғона шаҳри,**
**Хўжанд кўчаси,**
**5-уй.**

### ЭПЛАШЯПТИМИ, ҲАЙДАЙВЕРИШСИН!

Автомашина ҳайдаб кетаётган аёлларни тез-тез кўриб ўрганиб ҳам қолдик. Улар хою-ҳавас учун эмас, балки зарурат учун хайдашяпти деб ўйлайман. Эплашяптими, ҳайдайверишсин.

**Назира ТОШПЎЛАТОВА,**
**Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети ўқитувчиси.**

## Спорт оламида

### ЮРАК ХУРУЖИДАН ВАФОТ ЭТДИ

Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида ўтаётган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида фожиа юз берди. Ирландия ва Янги Зеландия терма жамоалари ўртасидаги баҳсда ирландиялик-лар ҳужумчиси Жон Маккол майдонда йиқилганича қайтиб турмади. Шошилинч касалхонага ётқизилган ёш спортчига врачлар ҳам ёрдам бериша олмади — у юрак хуружидан вафот этди.

### ЁЗГИ ОЛИМПИДА МАШЪАЛАСИ

25 март куни Грециянинг Олимпия шаҳарчасида шу йил августда Афинада ўтадиган XXVIII ёзги олимпиада машъаласи ёндирилди. Бу тадбирнинг айнан шу куни ўтказилишининг ўзига хос сабаби бор. Чунки 25 март Грециянинг миллий байрами — Мустақиллик кунидир. Машъаланинг ёқилиши шундай қутлуғ кунга тўғри келди.

Тантанада мамлакат президенти Костис Стефанопулос, Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жан Рогге ва мусобақа ташкилий қўмитаси президенти Жанна Ангелопус — Даскалакилар ҳам иштирок этди.

Машъалани таниқли актриса Талия Прокопиу олов олдирди. Сўнгра эстафетани тўрт карра олимпия чемпиони, россиялик ёзувчи Александр Попов қабул қилиб олди. Попов Сидней олимпиадасида кумуш медалга сазовор бўлганди.

Ўз тарихида илк маротаба Олимпия ўйинлари машъаласи беш қитъани ҳам айланиб чиқади. Машъала режа бўйича 11 минг нафар спортчининг қўлидан қўлига ўтади. Эстафета 78 кун давом этиб, 13 августда Афинадаги "Олимпия" стадионига келтирилади.

### РИНГДА АЁЛЛАР

Голландиялик Люсия Рийхер аёллар ўртасида профессионал бокс бўйича моҳир спортчилардан бири саналади. У 24 апрель куни GBU версияси бўйича жаҳон чемпионлиги учун ярим ўрта вазн тоифасида Лейла Маккартерга қарши жанг ўтказиши кутилмоқда. Рийхер бундай унвон учун биринчи маротаба рингга чиқади. У шу кунга қадар кикбоксинг бўйича тўрт карра жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган.

Люсия ва Лейлалар ўртасидаги жанг Лос-Анжелесда Виталий Кличко — Корри Сандреслар беллашувидан аввал бўлиб ўтади.

### 74 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ФОЙДА КУТИЛАЁТИР

Эртага Баҳрайнда "Формула-1" пойгасининг навбатдаги босқичига старт берилади. Мусобақа ташкилотчиларининг мазкур баҳслардан 74 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда кўриши кутилмоқда. Бу фойда чипталар сотувидан эмас, балки, меҳмонхоналар ижарасидан олинади, дея хабар қилади РИА "Новости".

Мусобақани 40 мингдан ортиқ мухлис томоша қилиш имконияти мавжуд. Ташкилотчилар автодром қурилиши учун 150 миллион доллар маблағ сарфлаган.

### ТАЙСОН САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА КЕЛАДИ...МИ?

"Невский Спорт"нинг маълум қилишича, ўта оғир вазндаги боксчи Майк Тайсон шу йил Санкт-Петербургда жанг ўтказиши мумкин. Бу ҳақда россиялик боксчи Николай Валиевнинг промоутери Олег Шалаев матбуот анжуманида айтиб ўтди. Шалаевнинг гапларига қараганда, агар "Темир Майк"нинг менежери Шелли Финкли билан музокаралар ижобий якун топса, россиялик мухлислар Валиев — Тайсон жангининг гувоҳи бўлишади.

### РОЖЕ ЛЕМЕРР ШАРТНОМАСИНИ УЗАЙТИРДИ

Француз мураббийи Роже Лемерр Тунис Футбол федерацияси билан шартнома муддатини 2006 йилгача узайтирди. Бунга Тунис миллий терма жамоасининг унинг раҳбарлигида Афина кубоги баҳсларида ғалаба қозонганлиги сабаб бўлди.

Ёдингизда бўлса, бу мутахассис бош мураббийлигида 2000 йилги Европа чемпионатида Франция терма жамоаси ғолиб чиққанди. Роже Лемеррнинг олдига Тунис терма жамоасини 2006 йилда Германияда ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатига олиб чиқиш вазифаси қўйилган.

**Эркин ХОЛБОБО тайёрлади.**

## Биласизми?

***Милодийни хижрийга ўтказиш учун милодийни 1,03 га кўпайтириб ундан 621 айрилади.***

***Хижрийни милодийга ўтказиш учун хижрийни 0,95 га кўпайтириб, чиққан натижага 622 қўшилади.***

*Жаҳонда бўлай десанг,*
*яъни дил жўй*
*Дуогўй топ, дуогўй топ,*
*дуогўй.*

**Сўфи ОЛЛОЁР**

«Миллий тикланиш» газетаси таҳририяти «Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудири Равшан Шодиевга волидаи муҳтарамаси

**Негби ая ШОДИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

*Алла ПУГАЧЕВА:*

## «ҚАРЕТА БЕРИНГ МЕНГА, ҚАРЕТА!»

### *200 минг долларлик совға*

Киркоров билан унинг ҳомийлиги остида эстрада осмонида эндигина ёришиб келаётган ёшгина юлдуз — Анастасия Стоцкая ўртасидаги ишқий саргузаштлар санъат аҳли орасида тинимсиз «чайналаётганлигига» қарамай Филипп Бедросович ўз жуфти ҳалолига бўлган садоқатини яна бир карра намойиш қилди.



Пойтахт санъаткорлари давраси турмуш қурганларига 10 йил тўлиши муносабати билан Алла Борисовнага Филипп томонидан қилинган шоҳона совғани, яъни уч от қўшилган серҳашам фойтунни қизғин муҳокама қилмоқда. Совға ғаройиб экзотикагина эмас, балки рамзий бахт белгиси ҳамдир: санъат олами чўққисидаги бу иккала бетакрор ижодкор ўзлари аҳд-паймон қилган кунларида ЗАГС идорасидан тўғри учта араби арғумоқ қўшилган «рус тройка»сига ўтириб шамолдек елиб кетган эдилар.

Тўйларининг бир йиллиги муносабати билан Киркоров Пугачевага бриллиант кўзли узук ҳамда айнан келинни ЗАГСга олиб келган лимузинга ўхшаш, фақат салонига пушти рангли мато қопланган ва тепаси «юлдузли осмон» сингари безатилган оппоқ лимузин ҳадя қилган эди. Лимузин сотиб юборилгач эса, Филипп тарихий сананинг 10 йиллигига атаб ўзининг «якка-ю ягона маҳбуба»сига бундан ҳам зўрроқ совға тақдим этишга ваъда берганди. Ва ниҳоят, айтилган кунда совға қанчалик қиммат бўлмасин, қилт этмасдан 200 минг долларни нақд санаб берди. Ҳозирча учқур арғумоқлар хусусий отхоналардан бирида сақланмоқда. Ҳазил-ҳазил билан Алла Борисовна ўзига муносиб карета изламоқда. Айтишларича, Пугачева айнан Буюк Екатериникига ўхшаш каретага буюртма бермоқчи эмиш. Мабодо барча ишлар кўнгилдагидек давом этса Аллахоним учун мўлжалланган ғаройиб улов воситаси унинг таваллуд кунига — яъни 15 апрелга тайёр бўлади.

## КУЛРАНГ ҚАРОҚЧИЛАР УЧУН «ЭЛЕКТР СТУЛ»

***Кремлдаги каламушлар сони пойтахт аҳолиси сонига қараганда қирқ карра кўпроқдир. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир москваликка тахминан икки взводдан кемирувчи тўғри келади. Ҳукуматнинг қадимий хоналари-ю йўлакларида чиниққан думли «чаққон»ларга қарши қўлланилмаган биронта ҳам восита қолмади.***

***Кремлда истиқомат қилувчи бу маҳлуқларга ҳеч қанақа заҳар таъсир қилмайди — улар бу ҳар қандай дорини одатдаги овқат ўрнида бемалол ҳазм қиладилар. Каламушлар учун қўйилган қопқонларга эса негадир ҳар гал президент маъмуриятида хизмат қилувчи хипчабел ходималар тушиб қолаверади.***

***Охир-оқибатда каламушларга қарши курашда янги электротехника тизимидан фойдаланишга қарор қилинди. Кемирувчиларга аввал электр токи қуввати билан таъсир кўрсатилади, натижада улар талвасага тушиб, пана жой қидириб қолади. Каламушларга мўлжалланган бир дона ҳақиқий «электр стул»нинг баҳоси бир неча минг долларни ташкил этади. Кремлда ана шундай «электр стул»ларнинг 25 таси ўрнатилган. Каламушлар масаласи билан яхши таниш бўлган бир маҳаллий хўжалик раҳбарининг айтишига қараганда, «бундан бир неча йил аввал Кремль биноларидаги каламушлар муаммоси жуда катта ташвиш туғдирган. Аммо, электротехника бу борада мўъжиза яратди, дейиш мумкин: бугунги Кремлда бу масала тўла ҳал бўлган». Яқинда энг сўнгги каламушни тутиб олишган эмиш. Қолган барча каламушлар қўшни уйларга яшириниб олган бўлса, ажаб эмас...***

## ХАСИС ХОТИНСИЗ ҚОЛДИ

### *Ҳиндистонлик қиз ўз тўйида куёвжўрага турмушга чиқди*

*Авваллари қалин пули тўлашга қурби етмаган Ўрта Осиё йигитларига уйланиш қанчалик қийин бўлган бўлса, бугунги кунда ҳинд қизлари учун ҳам эрга тегиш шунчалик мушкул. Негаки ҳиндларда қалинни қиз томон тўлайди ва ундан ташқари келиннинг сепи-ю куёв томоннинг сарпо-суруқлари ҳам, никоҳ тўйининг барча чиқимлари-ю ёшларнинг тўйдан кейинги саёҳати билан боғлиқ сарф-харажатлар ҳам шўрлик келиннинг бўйнига тушади. Қизи кўп хонадонларнинг аҳволини-ку гапирмаса ҳам бўлади. Кўпчилик мамлакатларда бўлгани каби Ҳиндистонда ҳам бечораҳол қизга харидор топилиши жуда қийин муаммо ҳисобланади.*

*Индирага уйланаётган куёв нафақат хомсемиз, балки ўта очкўз, таъмагир ҳам чиқди. Фотиҳа тўйидан кейинги даврда у қайнотасидан муттасил ё пул, ё идиш-товоқ, кийим-кечак ёки маиший техника буюмларини талаб қилишдан чарчамади. Бироқ айни никоҳ ўқиладиган энг муҳим пайтда қилган «қилиғи» бечора куёвга ниҳоятда қимматга тушди. Нега дейсизми? Қарангки, бетамиз куёвга мотоциклсиз никоҳ татимас эмиш. У бўлғуси қайнотасидан тўйхона залига ҳаммага кўз-кўз қилиб Японияда йиғилган ҳақиқий «Хонда» мотоциклини қўйиб қўйишни талаб қилди.*

*Худди шу лаҳзада келиннинг сабр косаси тўлиб тошди ва тўйхонада йиғилган меҳмонларга қарата: "... Етар, тоқатим тоқ бўлди. Ораларингизда мени хотинликка оладиган талабгор мард бўлса, майдонга чиқсин!", — дея хитоб қилди. Меҳмонлар орасидан мотоциклсиз уйланишга рози бўлган муносиб қаллиқ ҳам топила қолди. Ким дейсизми? Бу уйланаётган куёвнинг гувоҳи, яъни куёвжўра эди. Шундай қилиб, тўй ўтди. Очкўз куёв эса ҳам хотинсиз, ҳам "Хонда"сиз қолди.*

## БАНКАЛАРДАН ҚУРИЛГАН УЙЛАР

Американинг "Инсоният учун турар жой" хайрия ташкилоти АҚШ аҳолисига жамият ҳаётини фаровонлаштириш учун пул эмас, йўқ (америкаликлардан пул ундириш амри маҳол) атиги салқин ичимликлар ёки қайноқ ичимликлардан бўшаган, яъни фойдаланилган алюмин банкаларни эҳсон қилишларини сўраб мурожаат қилмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда ҳар бир америкалик оилага атиги биттагина шунақа банка (алюминий қотишмадан ясалган идиш таркибида қимматбаҳо рангли металл борлиги тахмин қилинмоқда)ни топширган тақдирда ҳам, йиғилган маблағга ёшлар ва камхарж оилалар учун 290 та уй қуриш мумкин бўлади. Агар АҚШ аҳолиси онгли равишда йил давомида ўзлари ичган ҳар қандай ичимликдан бўшаган идишни жамият фаровонлиги йўлида хайр-эҳсон қилсалар, 21.708 та уй қурилишига кўмаклашган бўлардилар. Ҳозирча эса реклама плакатлари барчани қуйидаги сўзлар билан даъват этмоқда: билингки, бўшаган пиво ёки пепси идишини ташлаб юбораётиб, кимнидир бутун бир сантиметрлик турар жой майдонидан маҳрум қилган бўласиз... Бундай хитобларни кўпчилик тўғри тушуниб етмоқда. Ҳарқалай, 1976 йилдан буён америкалик хайриячилар жаҳондаги 80 та мамлакатда юқорида айтиб ўтилган усулда 125 мингта уйни қуриб, фойдаланишга топширдилар. Дарвоқе, бунда уларнинг ўзлари ҳам анча-мунча пул ишлаб олдилар. Чунки хайрия фаолияти билан шуғулланиш Америкада даромад келтирувчи соҳалардан ҳисобланади. Бугун эса улар ўз тажрибаларини Россия билан ўртоқлашмоқдалар.

**Хориж матбуотидан**
**Насиба УСМОНОВА таржимаси**

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр учун масъул: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-58-80, 136-58-73

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 530. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА Босишга топшириш вақти 20.00 Адади: 1526 нусха

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00